

КАРОНАВИРУС ЭТИОЛАГИЯЛИ ПНЕВМОНИЯ ЎТКАЗГАН МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА НАФАС МАШҚЛАРИ РОЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ

**Ўзоқов М.Ш., 602 - гуруҳ Тиббий педагогика ва даволаш факультети Илмий
раҳбар: ассистент Каримова Д.И.**

ТошПТИ, Амбулатор тиббиёти, жисмоний тарбия кафедраси

Долзарблиги: COVID-19 пандемиясини келтириб чиқарган вируси болалар соғлигига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Каронавирус этиологияли вирусли пневмония асоратини олдини олиш тиббиётимиз учун бугунги кунда долзарблини сақлаб қолмоқда. Бунинг учун тиббиётимизнинг барча йўнашларидан фойдаланмоқда. COVID-19 оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Коронавирус ҳаёт учун муҳим аъзоларни, шу жумладан ўпка мия бурун-ҳалқум, кўз юрак-қонтомир жигар бўйрак ва ичакларни зарарлайди. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатмоқдаки ушбу касалликнинг оғир шаклини ўтказган беморларда ўпка тўқимасининг чандикланиши, бўйрак етишмовчилиги, юрак мушакларини яллиғланиши, аритмия, жигар зарарланиши каби оғир асоратлар учрамоқда. Бу асоратлардан ўпка фиброзланиши аҳамияти катта, нафас етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Бу ҳолатда нафас гимнастикаси қўлланса бемор нафас олисига ёрдам беради. Нафас гимнастикаси бронх-ўпка тизимининг барча касалликларида тавсия қилинади, фақатгина машқлар мажмуаси, интенсивлиги ва давомийлик ўзгаради. Ўпка коронавирустан зарарланганда, интерстициал тўқиманинг яллиғланиши ва шиш туфайли зичланган жойлари пайдо бўлади. Интерстиций -бу ўпканинг «қурилмаси» бўлиб, айнан шу жойда қон ва лимфа томирлари ўтади. Шиш ва яллиғланиш пайдо бўлганда, нормал газ алмашинуви бузилади, кислороднинг ҳаводан қонга кириши қийинлашади. Касалликнинг ўткир даврида беморнинг тўғри ҳолатни қабул қилиши ва нафас олиши шикастланган жойлардан суюқликнинг тез сўрилишига ёрдам беради. Кейинчалик, у фиброз (чандикли) тўқима ҳосил бўлишини камайтиради.

Ишнинг мақсади: Каронавирус этиологияли пневмония ўтказган мактаб ёшидаги болалар реабилитацияси даврида ўтказилган нафас машқлари роли самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва методлари: Кўзатишлар Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани 55-оилавий поликлиникада рўйхатда турувчи, COVID-19 ўтказган 57 та мактаб ёшидаги болаларда ўрганилди.

Тадқиқот натижалари: Кўзатувлар натижасида вирусли пневмония (COVID-19) ўтказган мактаб ёшидаги болалар реабилитацияси даврида ўтказилган нафас машқлари самараси қўйидаги натижаларни кўрсатди. 57-та беморнинг 31 тасида(54% беморда) SpO₂ 94% дан 96% гача, 19 тасида(33% беморда) 95%дан 97% гача, 8 та беморда(12% беморда) 97% дан 98%гача кўтарилди. Беморларда нафас олиш машқлари самарали эканлиги кузатилди.

Хулоса: Ўшбу кўзатувдан шуни хулоса қилдикки, каронавирус этиологияли пневмония ўтказган мактаб ёшидаги болалар нафас машқларини бажарганларида уларнинг нафас олиши яхшиланганлиги ва қонда кислороднинг концентрацияси ошганлиги аниқланди. Вирусли пневмония (COVID-19) ўтказган беморларда нафас машқларини ўтказиш самарали натижа беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Орлова, Вера Александровна, et al. "Аномалии уровней сывороточных аутоантител к антигенам нервной ткани у больных шизофренией: мультипараметрическая иммунологическая оценка." Социальная и клиническая психиатрия 26.1 (2016): 12-20.